

ЎРМОН ЭРТАГИ

Қатнашувчилар:

Қўчкор

Эчки

Қўзичоқ

Шер

Айиқ

Тулки

Бекбўри

Асалари

Укки

Малай (бўри)

Хабарчи (бўри)

Шотир (бўри)

1- саҳна

Чироклар ёришади. Кун. Саҳнада ўрмон манзараси тасвирланган. Дараҳтлар, тўнкалар ёввойи қушларнинг овози. Саҳнанинг марказида баланд қилиб тоғ ясалган. Ўртада тахтга ўхшаб кесилган бир тўнка турибди. Саҳнага кўзига кўзойнак тақиб қанотарини кўтариб укки чиқиб келади. (Укканинг овози эши билади)

Укки: Қадим қадим замонда олис ўрмон томонда ўтхўрлар ва гўштхўрлар аҳил бўлиб яшаркан, бирор муаммо бўлса тенг ўртага ташларкан. Хуллас, хукумдорликка энг кучли шер сайланган. Шу кундан бошлаб ўрмон, яхши жойга айланган. Шер куч ваadolатни бирга олиб борибди, айиқ билан тулкини ёрдамчига олибди.

Укки саҳнадан чиқиб кетади. Саҳнага гаплашиб Шер ва унинг ортидан Тулки билан Айиқ кириб келади.

Шер: Ўрмонда не гап вазир жавоб бергин сен ҳозир. Ҳамма тинчми омонми, ё вазият ёмонми.

Тахтга келиб ўтиради.

Тулки: Сиз ўрнатган чекловларadolатли қоида, шу сабабдан ўрмонда ҳамма нарса жойида.

Шер: Мақтовни қўйиб ортга муаммодан гапиргин. Камчиликлар йўқ бўлса унда секин жим туринг. Ўхшаб турмасин ахмоққа сўз берамиз пахмоққа.

Айиқ: Ааа биласизми хукимдор, менда ҳам муҳум гап бор.

Шер: Унутмасдан ҳойнаҳой, айта қолгин айиқвой.

Айиқ: А! Биласиз ўрмон катта...

Шер: Чўзаверма айт шартта.

- Айик:** Хуллас калом гўштхўрлар қилишмоқда шикоят. Ўрмон тўла гўшт бўлиб ов қилолмасак уят.
- Шер:** Айиқвой қўп гапирма. Ғазабимни оширма. Қонун тенгдир биласан. Кимдир бузса кўрасан. Гўшхўрлар бир хафтада бир мартта ов қиласди. Буни бузган тартибсиз ўзи ўлжа бўлади.
- Айик:** Тушинарли, ҳукмдор.
- Шер:** Яна кимда савол бор?
- Тулки:** Қурияпди жилғалар, хабар берди қарғалар. Тоғдан сув тушмай қолди қурғоқчилик бошланди. Ўрмондаги жонвор бари кўзи ёшланди.
- Шер:** Буни яхши эслатдинг беркитмасдан, айёр. Бундайин муаммога менинг ечимим тайёр. Кечиктирмай бугуноқ жилға томон кетаман. Сувликнинг сабабин ўзим тагига етаман.
- Тулки:** Биз нима қиласмиш унда? Иссифу совуқ тунда.
- Шер:** Мен қайтиб келгунимча ўрмонни бошқарасиз. Адолатли бўлсангиз ҳеч ким қолмас бошпанасиз. Қурғоқчилик сабабин ҳеч ким бормай билмайди, сув келмаса дўстларим ёзда яхши бўлмайди.
- Шер саҳнадан чиқиб кетади. Унга тулки ва айик эргашади.**
- Үкки:** Шундайин қилиб шерхон эл дардида йўл олди. Унинг тахти устида айик ва тулки қолди. Айик тулки ҳечкимни назарига илмасди, шу сабадан атрофда не бўлиш билмасди.

2- Саҳна.

Тун. Саҳна чироклари қориғулашган. Ўрмоннинг бошқа қисми. Қора либосли қароқчиларга ўхшаган бўрилар галаси бир суюкни талашмоқда.

Малай: Ташламасанг суюкни, синдираман иякни.

Шотир: Ҳоҳламайман мен жангни, суюқдан ол панжангни.

Малай: Очликдан ўлгандан жангда ўлган яхшироқ.

Шотир: Унда ўзинг танладинг ўлиминг аниқ, қўрқоқ.

Иккала бўри уришмоқчи бўлиб жангга шайланиб бир бирига яқин келиб ириллай бошлайди. Шунда саҳнага Бекбўри кириб келади.

Бекбўри уларга қараб бақиради. Бўрилар уни кўриб бир сафга терилади.

Бекбўри: Кучингизни душманга асрасангиз бўларди. Шунда ғалабанинг ўзи бизга куларди. Менинг ҳам ночорликдан суюкларим қақшайди.

(бориб эрда ётган суюкни олади) Лекин бу ҳолингиздан ўланинггиз яхшийди. **(Суяқ билан малайни уриб юборади)**

Унутманглар Бўрида ғурур ва ор бўлади. Сиздек суюк талашса итлардек хор бўлади. **(суякни отиб юбориб, қўлини бориб шотирни устига артади)**

Малай ўрнидан туриб келади.

Малай: Гамини еб йитимни, унда айтинг эчимни.

Бекбўри: Менга қара ҳой, Малай, сендай очлар бир талай. Озроқ сабр қилинглар не бўлади кўринглар. Биз ёпган булоқни деб сувсиз ташна ҳайвонлар ҳа демайин чиқади. Оғзимизга тушади.

Малай: Шер донишманд ақлли, ҳайвонлар ҳам сабрли. Шер айтгани бўлади. Оч бўрилар ўлади.

Бекбўри: Сен ахмоқ унитдингми Бўрининг зўри ўрмоннинг шўри. Яна озроқ кутамиз кейин жангга ўтамиз. Чанқаб қолган ҳайвонни ямламасдан ютамиз. (**айярома кулади**)

Малай: Лекин бошлиқ ўша кун қачон келиш даргумон. Унгача биз бўрилар қолармиканмиз омон?

Бекбўри: Ниятни қилма ёмон. Ҳа демай сувни излаб тарқалади ҳар томон.

Шотир бориб Малайни ёқасидан олади.

Шотир: Сен ярамас бетайин. Жонга тегма атайин. Бошлиқ кўпни билади. У айтгани бўлади. Рухсат беринг хўжайин. Бунинг жонин олайин.

Бекбўри: Ҳозирмас қўйиб юбор. Бунинг ҳали пайти бор.

Шотир Малайни қўйиб юборади. Ўша пайт ичкарига хабарчи бўри кириб келади.

Хабарчи: Менга қаранг ҳукумдор. Сизда мухим гапим бор.

Бекбўри: Айта қолсангчи дархол. Биз ўйлаган бўлдими. Душман куни ўлдими?

Хабарчи: Эй, хўжайин менимча режамиз бўлди тамом. Шернинг ўзи югуриб кетмоқда жилға томон.

Малай: Сув устидан тошни олади. Ўрмон аҳли тирик қолади. Ҳаммаси аниқ бўлди. Оч бўрилар ўлди.

Бекбўри: Оғзингни юм ярамас ўйлаб олайин бир пас. (**пауза**) Жуда яхши бўлибди. Бизнинг тузган режамиз энди кучга кирибди.

Шотир: Авф этгайсиз ҳукимдор, яна қандай режа бор?

Бекбўри: Шерсиз қолган ўрмонга бирдан ҳужум қиласиз. У қайтгунча ортига тушлик қилиб оламиз. Тезда қўшин йиғинглар. Олдингиздан чиққанин тишлаб, судраб, буғинглар. Ҳимоясиз ўрмонни, кулини совиинглар. Нима ҳам деймиз энди. Бостирамиз ўрмонга оху, кейик, эчкими Баракадир хирмонга.

Бўриларни ҳаммаси хурсандчиликдан осмонга қараб уввилайди.
Ҳаммалари чиқиб кетишади.

Бекбўри: Қани олға қонхўрлар, бизда ўша энг зўрлар.

Бекбўри ҳам чиқиб кетади. Малай саҳнага қайтиб келиб сувкини олиб тажиб чиқиб кетади. Саҳнага укки чиқвиб келади.

Укки: Шерсиз қолган ўрмонга ертқич бўри шайланди. Сокин ва салқин ўрмон хавфли жойга айланди. Айиқвой ва тулковой ғам нелигин билмасди. Ўзидан бошқасини назарига илмасди.

Укки чиқиб кетади.

3- Саҳна.

Саҳнада ўша ўрмон манзараси. Айиқ тахтда бир кўзадан асал ялаб ўтирибди. Асал арига қараб ғўнгиллаб гапироқда.

Айиқ: Ўрмондаги айқилар бўлишмоқа норози, Асалларинг камайиб босмапди тош тарози. Бунинг сабаби недир қани айт она ари. Ё ишинг бажаролмай бўлиб қолдингми қари?

- Ари:** Күрғоқчилик гулга ҳам таъсир қилмай қолмади. Шу сабабли арилар асал йиға олмади.
- Айик:** Баҳоналарни жойлаб қилиб келибсан тайёр, Сен ҳам уялмайдиган бўлиб кетибсан айёр. Атай асал уяни баланд жойга олибсан, Айикларни ўйламай маломатга қолибсан.
- Ари:** Режани бажаролмай анчайин ортда қолдик, Шу сабабдан уяни бироз юқори олдик.
- Айик:** Ўзингдан кетма, ари. Ёлғондир гапинг бари. Режани бажармасанг, Ўрмондан йўқол нари.
- Ари:** Захар томиб сўзингдан, кетиб қопсан ўзингдан.
- Ари ғўнғиллаб чиқиб кетади. Ўша пайт тулки ичкарига кириб келади.**
- Тулки:** Нега келди асал ари.
- Айик:** У асалмас касал ари. Нега шошиб юрибсан, ваҳимада турибсан. Пешонангдан чиқиб тер, ёки қайтибдими шер?
- Тулки:** Осмон узра қарғалар, учиб юриб дарбадар, келтиришди шум хабар. Шер эмас ундан ёмон. Қонхўр бўри галаси келмоқда биз томон.
- Айик ўтирган жойидан ортига қараб йиқилиб тушади. Бошига қўлидаги хумдони кейилиб қолади. Айик ўрнидан туриб, бошидан хумдонни ечиб таҳт ортига беркиниб устидан ерда ётган сомон ва хашаклардан ташлаб бошлайди.**
- Айик:** Устимга хашак сомон, ташлаб олсам шу замон. Ертқичлар кўришмаса, балки қоларман омон.
- Тулки:** Ўзингни бос айиқвой, қилмада бунча доди-вой, Бўлмасдан кўп овора, Балки яхши ўйласак топилар бирор чора.
- Айик:** Душман яқин турганда ўйлашдан йўқдир фойда, Маслаҳатим тез қочиб, яшайлик пана жойда. (**дараҳни ковагига беркитиб қийўган асаллаини ола бошлайди**)
- Тулки:** Кўрқмасдан ўпкангни бос. Ундан кўра режамга бироз қулоғингни ос. Икки учта дўмбоқ қўй-қўзини оламиз. Бўрилар келмай туриб совғага юборамиз. Шер келгунча шундайин вақтдан ютиб оламиз.
- Айик:** Режа ўхшамасачи?
- Тулки:** Ишончим комил дўсим, шер келса улардан қиласи пўстин.
- Айик:** Гапларингни жони бор. Лек ўрмонда ҳар жоннинг ҳисоби-ю сони бор. Аммо, асраш учун тулки билан паҳмочни, қаердан топгаймиз ўша лақма ахмоқни?
- Тулки:** Буни ҳозир билмайман. Лек қочсак шерга, Қолсак ем бўламиз бўрига.
- Иккаласи бошларини ушлаб нима қилишларини билмай ҳавотирга тушиб қолади. Саҳнага Укки чиқиб келади.**
- Укки:** Шундайин икки овлон, қолди икки орада. Тулкининг айёрглиги, иш бермас бу борада. Аммо сирли ўрмонда кучсизлар ҳам бир талай, ертқич олдидан чиқса тирик қолмас ҳар қалай.

4- Сахна.

Кун. Саҳна марказида ясалган тоғнинг олди. Пастда қўзичоқ ўтлаб юрибди. Қўчкор унинг ёнига келиб.

Қўчкор: Шошилмагин улоқчам, менинг қайнар булоқчам. Будир банги девона, ейишгадир бегона.

Улоқча: Гулику роса чирой, бир бора тишлаб олай.

Қўчкор: Бу гулни еб бўлмайди. Еган омон қолмайди. Ақли бўлиб бегона, бўлар аниқ девона.

Улоқча: Унда яшил майдонга борайлик ўтлагани, қорнимизни тўйдидириб ошқозон бутлагани.

Қўчкор: У майдон ҳозир ёпиқ. Келаси йил бўлар тортиқ.

Улоқча: Бир марта ўтсак унга ким билиб ўтирибди.

Қўчкор: Ҳеч ким билмаса ҳам худо кўриб турибди.

Улоқча: Унда мен ҳам эчкидек, чиқайин баландликка.

Қўчкор: У ер сен учун ҳафли. Баланд ва жуда тикка.

Ўша пайт эчки келиб тепаликка чиқа бошлайди.

Эчки: Қўчкорвой сен қалайсан, шу миттивойингни бунча кўп эркалайсан.

Қўчкор: Келажакда бўлмасин десак ёлғончи ёки ўтри, болаликда бошидан ургатиш керак тўғри.

Эчки: Ақилли гапнгни қўй, бари бир катта бўлса, бўладику сендай қўй.
(кулади)

Қўчкор: Эчки қўйга кулганмиш, шуям эртак бўлганмиш.

Эчки: Сен билан талашгандан тоқقا чиқиб кўраман. Атрофда не гаплар бор ҳаммасини биламан.

Эчки тоғнини тепасига чиқиб узоқларга қарайди.

Эчки: Жужа гўзал табиат, Ҳайвон бўлиб авайлаб асрай олмасак уят.

Қўчкор: Бунча мақтандинг, эчки. Ундан кўра ўрмондан овқат йифайлик кечки.

Эчки тоғ тепасидан туриб бақириб юборади.

Қўчкор: Нима бўлди ҳе сенга. Қўрганинг айтгин менга.

Эчки: **(қалтираган овозда)** Қўчкорвой, қуриди ўрмоннинг шўри. Тоғ ортидан бостириб келмоқда ертқич бўри.

Қўчкор: Адашмадингми, жўра. Эринмай яна қара.

Эчки: Мен адашсам қанийди. Қўзларим алдамайди.

Қўзичоқ: Дада бўрилар нима?

Эчки: Болага жим индама.

Қўчкор: Қўзичоғим яххиси сен тезда уйга қайтгин. Олдингдан чиққанларга ушбу хабарим айтгин. Бўлмай десангиз хор-зор уйдан чиқмангиз зинхор.

Қўзичоқ: Дада нима бўляпди. Менга ҳам тушунтиринг.

Қўчкор: Ҳеч кимга эшик очмай уйда жим бўлиб туринг. Мени қилиб хотиржам, уйга югару қўзичам.

Қўзичоқ югуриб кетади. Эчки тоғ тепасидан тушади.

Эчки: Шерсиз қолдик, эй худо. Айрилсак жондан жудо.

Күчқор: Тулки ва айиқ полвон қутқаради ўрмонни, улар ер тишилтишар бўридай зўроввони.

Эчки: Гапинг тўғридир қўчқор, бориб айтайлик дархол.

Эчки билан қўчқор югуриб кетади. Улар саҳнадан чиқиб кетганларидан сўнг қўзичоқ секин мўралаб чиқиб келади.

Кўзичноқ: Отам не яширганин бугун билмасам бўлмас. Тоғ ортида нелар бор кўрмасам кўнглим тўлмас.

Кўзичноқ чиқиб тоққа сирпаниб чиқа бошлайди. Чироқлар ўчади.

5- Саҳна.

Кун. Айиқ тахтда ўтирибди. Тулки ҳам шу ерда овқатланиб ўтирибди. Уларнинг олдига Эчки ва қўчқор кириб келади.

Эчки: Бўри ўрмонга келмиш, унга бўлмайлик емиш.

Кўчқор: Ичимизда зўрисиз, ўтхўрлар ғамхўрисиз.

Тулки: Шошилманглар сиқилиб, овқат қолди тиқилиб. (тулики йўталиб қолади.)

Эчки: Бўри келган паллада овқат сиқса кўнгилга.

Айиқ: Ҳаммасидан хабар бор. Аммо аскарлар ночор.

Айиқ келиб томоғига овқат тиқилган тулкини елкасидан уради.

Кўчқор: Унда нима қиласиз. Бўрига ем бўламиз.

Тулки: Бу ўтгинчи дунёда ҳаммамиз ҳам кетамиз. Ажал бўлса бўридан иложи йўқ нетамиз.

Айиқ: Тулки айтди жойида, бу азалий қоида.

Кўчқор: Демак сиздан йўқ фойда. Кимки бўлса зўравон ялинасиз пойида.

Айиқ: Бу ер асли хавфсиз жой. Топилади асал бол. Ҳоҳласанг шу ерда қол.

Эчки: Сиздай бўлгандан қўрқоқ, жангда ўлган яхшироқ.

Кўчқор: Ўрмонни асраш учун, берамиз биз бор кучин.

Иккаласи чиқиб кетади.

Айиқ: Бу икки ярамасни ўлдирайлик ҳозироқ, шунда муаммолар камаяди озироқ.

Тулки: Қўявер тегинма жим. Иккиси ҳам бир ғижим. Бу овсарлар билан бироз вақтдан ютамиз. Шер келгунча жилмасдан биз шу ерда кутамиз.

Айиқ: Ҳар балони биласан, шундан тирик қоласан.

Айиқ тулкини ёнига келиб овқатланади.

6- Саҳна.

Тун. Тоғ олди. Кўзичноқ тоғга чиқишга уринмоқда. Ўша пайт бир гала бўрилар бостириб кириб келади. Кўзичноқ уларни кўриб “марайди”.

Малай уни пастга тушириб, ўртага олади.0

Малай: Катта бўлиб ўзича, ўтламоқчи қўзича.

Кўзичноқ(қўрқувдан овози қалтираб) Ахир мен сизларга қилмаганман ёмонлик, шунинг учун илтимос беринг менга омонлик.

Хабарчи: Уйдан кетиб узоққа, тушиб қолдинг тузокқа.

Шотир:Хулласкалом қўзичноқ, ошқозонга овунчоқ.

Шотир ва Малай қўзичноқ олдида айланиб уни у ер бу еридан ушлаб кўра бошлайди.

БекБўри:Қилмайин кўнгил хушлик, қилиб олайлик тушлик. Ўрмонда кўпдир жонвор, ҳаммасидан тотгим бор.

Қўзичноқ(қўрқиб)Кичкинаман мен аҳир, бунча қилманлар қахир.

БекБўри:Кўрқма кўп қийнамаймиз, шунчаки қиймалаймиз. Ёш ва экан бенуқсон, ҳазим бўлади осон. (колган бўриларга қарайди)

Бўрилар ҳаммалари бирдан кулади. Бекбўри қўзичноққа яқинлаша бошлайди. **Малай ва Шотир қўзичноқни қўл ва оёқларини ушлаб олади.**

Шунда саҳнага қўчкор ва эчки кириб келади. Қўчкор узокдан гапиради.

Қўчкор:Қулоқ солмай нолага, кучинг етдими болага. Қўзидан панжа оласан, шунда омон қоласан.

Қўзичноқ отасини қўриб.

Қўзичноқ:Мени кечиринг ота, қилиб қўйдим бир хато.

Қўчкор:Сенга айтар бир сўзим, душмандан қўрқма, қўзим.

БекБўри:Мен ҳам айтай бир сўзим, иккингни ҳам ямламай емоқ истайман ўзим.

Эчки: Курашгани энг зўри, борми бирорта бўри?

БекБўри:Кўп нодонлик қилмасанг жонинг сақлаб қолардинг.

Қўчкор:Жоним бўлса танада, беркинмайман панада. Бўрилар эмас насли, қўрқоқлик душман асли.

Эчки: Мард бир мартта ўлади, қўрқоқ минг мартта. Қани бошладик.

Бекбўри:Мен мардни ҳам минг мартта, ўлдираман шартта. Энди бироз қизиймиз. Талашмай тез тез еймиз. Қани олға бўрилар.

Бўрилар осмонга қараб уввилайди. Қўзичноқни ташлаб бўрилар эчки томонга югуриб кетади. Эчки югуриб томошибинлар ичига кириб кетади. Бўрилар ортидан қувиб кетади. Бек бўри қўзичноқни дараҳт олдига қисб бора бошлайди.

Бекбўри:Очликка қилмай тоқат, бироз еб олай овқат.

Эчки қочиб саҳнадан чиқиб кетади. **Малай ва хабарчи эчкини қувиб кетади.** **Шотир қўчкорни олдига бостириб кетади.**

Шотир: Шундайин қилиб қўчкор, ўлган экан бўлиб хор.

Шотир бориб қўчкорга ташланади. Ўртада бироз кураш бўлади. Қўчкор катта шохлари билан шотирни сузиб қулатади.

Қўчкор: Хар қайси ҳам замонда, куч ҳақиқат томонда.

Йиқилгандан кейин ҳам сузиб, түёклари билан тепиб ташлайди.

Шотирнинг йиқилганини кўриб Бек бўри ҳайратда қотиб қолади.

Бекбўри: Хурсанд бўлма бекорга, келиб қолди омадинг.

Бек бўри қўчкорни қувиб кетади. Қўчкор саҳна ортига қочади.

Иккаласи қувишиб кетади. Саҳнанинг бошқа томонидан эчки ва унинг ортидан **Малай ва хабарчи бўрилар қувиб келади.** Эчки тоғни тепасига чиқиб кетади. **Малай ҳам унинг ортидан чиқади.** Эчки саҳна марказида

ясалган чўққининг устига чиқади. Эчки тоғ ўртасидаги жарлик ёнига келиб туриб қолади. Малай унинг ортидан етиб келади.

Малай: Изнгга тушса Малай қочолмайсан ҳар қалай.

Эчки жарлиқдан сакраб ўтади. Малай сакраб ўтаман деб тоғ ортига жарлиқка тушиб кетади.

Эчки: Сал қолса етиб оларди, ўрмон эчкисиз қоларди.

Хабарчи:Хурсанд бўлма бекорга, бўри чиқди ширкорга.

Хабарчи жарлиқдан сакраб ўтади. Эчки тоғ ортига ўтиб саҳнадан чиқиб кетади. Унинг ортидан хабарчи бўри ҳам эргашиб кетади. Саҳнага тошларнинг қулаган овози эшитилади. Ортидан бўрининг ёрдам сўраб бақиргани эшитилади. Саҳнага қўзичоқ чиқиб келади.

Қўзичоқ: Ёрдам сўраб бақирди, ким ўзгани чақирди?

Саҳнага эчки чиқиб келади.

Эчки: Ёрдам сўраб бақирган эди битта оч бўри. Нафсининг орқасидан, куриди унинг шўри. Қани энди отангни бир қидириб топайлик, узок чўзмасдан бу ишни тез ёпайлик.

Улар иккиси саҳнадан чиқиб кетади. Бошқа томондан Бекбўри билан қўчкор кириб келади. Кўчкорнинг юзи қонаган. Оқсоқланиб юрибди. Кўчкор сузмоқчи бўлади. Бўри унинг шохидан ушлаб бошини дарахтга уради. Кўчкор ерга йиқилади.

Бекбўри: Куч ҳақиқатда эмас, ҳақиқат куч томонда. Ёвузлар ғолиб бўлган барча макон замонда. Энди тамом бўлдинг, қисқаси аниқ ўлдинг.

Бўри қўчкорнинг устига чиқиб энди юзига чанг солмоқчи бўлганда, унинг қўлини югуриб келиб қўзичоқ ушлаб олади.

Қўзичоқ: Сен бизларни унутдинг.

Бекбўри: Сен ҳам бўлгайсан емиш. Уралашма каламуш.

Бўри қўлидан ушлаб олган қўзичоқни улоқтириб юборади. Кўчоқ тошга урилиб хушидан кетади.

Кўчкор: Тўлдирмасдан тоқатинг, ўзим бўлай овқатинг. Раҳим қил қўзичоққа, ўзим тушай ўчоқقا. Ахир у ёш болада, ўйнаб кулган паллада, эй ертқичлар хони, озор чекмасин жони.

Бўри: Ахири тилга кирдинг, ғолиблигимни билдинг. Болангни қайсарлиги тоқатимни тўлдирди, уни асли мен эмас нодонлиги ўлдирди.

Эчки: Кўчкор, асабга тегма, душманга бошинг эгма.

Кўчкор: Ҳаммаси тамом, эчки. Овқат бўламиз кечки.Пешонага ёзилган шу бўлса тақдир, биз нени ҳам қиласдик у доим ҳақдир.

Эчки: Жони нозик бўлса ҳам, соқоли узилса ҳам, эчки таслим бўлмайди, мардлар сира ўлмайди. **(бўрига қараб)** Сен шунаки безори, қалбларнинг дил озори. Аммо сендай бўрини, шу ер бўлар мозори.

Эчки ҳам югуриб келиб бўрини тепади. Бўри четга йиқилиб тушади. У ўрнидан туради. Эчки иккаласи бир лахза уришади. Сўнг охирида бўри эчкини ҳам қулатади.

Бўри: Қаердасан уккивой, сен ҳам қўрқдинг ҳойнаҳой. Мана ёвузлик ютди, эртак якунга етди.

Шу пайт саҳнада она ари пайдо бўлади.

Ари: Ҳали бўлмади тамом, қўшин тортдим сен томон.

Бўри: Ким бўлдинг сен яна, чумолими ё кана.

Ари: Мендириман она ари, сенга қарши туроди бугун лашкар бари.

Она ари қўли билан ишора қилади. Ариларнинг овози эшитилади.

(Саҳнага қора кейинган актёрлар сим билан бошқариладиган митти ариларни олиб чиқади.) Бўри танасини улардан ҳимоя қилиб додлай бошлайди.

Бекбўри: Сизга бир сўз айтаман, мен албатта қайтаман. Қасд оламат аридан ҳатто мири аридан.

Бўри бошини арилардан ҳимоя қилиб қочиб қолади. Саҳнага укки чиқиб келади.

Бекбўри: Шундай қилиб ўрмонда эзгулик топди қарор, Ўша куни сув билан, тахтга қайтибди қирол.

Чироклар қоронғулашади.

7- Саҳна.

Кун. Ўрмон манзараси. Шернинг тахти олди. Айиқ хурсан бўлиб ўтирибди. Тулки бетоқат тахт олдида айланиб юрибди.

Айиқ: Голиб бўлди, зўр бўлди. Оч бўрилар йўқ бўлди. Энди байрам қиласиз, биз ҳам ўйнаб куламиз.

Тулкининг кайфияти йўқ бўлиб асабийлайиб ўтиргани кўринади.

Тулки: Ахмоқ бўлмада пахмоқ. Эчки голиб бўлгани Мен ва айиқ ўлгани.

Айиқ: Қизиқсана шериқ, муҳуми қолдик тириқ. Голибнинг қизиги йўқ. Қорним тўйса кўнглим тўқ.

Тулки: Улар кўп айёр экан. Обрў ва мансаб учун барига тайёр экан. Озор бериб танига, обрў олди шанига.

Айиқ: Яхшиликка бариси, қара нақадар хурсанд, ўрмоннинг ёш қариси.

Тулки: Кўй қўзилар ўрнига бизлар чиқсан бўларкан. Ўша нозик бўрилар оддийгина ўларкан.

Айиқ: Ахир уларни жангга сени ўзинг жунатдинг, бу қилган унда ўзинг тузатгин.

Тулки: Мен уларни ушанда ўлиб кетар дегандим, узоғини ўйламай шу қарорга келгандим.

Айиқ: Панжаларинг қилиб муш, бунча бўлмасанг хомуш.

Тулки: Шер билса ҳақиқатни, чалғитмайин диққатни, бизни ҳайдаб солади. Эчки ва қўй иккисин ўрнимизга қолади.

Айиқ: **(ҳаяжонланиб)** Хурсанд бўлмасман ортиқ, лекин шерга жавобни ўзинг қилгайсан тортиқ. Ўйлаб топ бирор ечим. Оқибатин ўйласам босмоқда титроқ ичим.

Тулки: Биз эмас қўй эчкилар голиб бўлди нетамиз. Яхиси қирол шерга тескарисин айтамиз.

Ўша пайт шер кириб келади. Тулки ва айиқ бошларини эгиб уни кутиб олади.

Шер: Ўрмонда не гаплар бор.

Тулки: Ҳаммаси тинч ҳукимдор. Қайтган сувлар туфайли, урмон сиздан миннатдор.

Шер: Шерсиз қолган ўрмонга бўри ҳужум қилғанмиш, улар билан ўртада катта жанглар бўлагмиш. Ертқични ер тишлатган ҳалоскор ким бўлибди?

Тулки ва айик бир бирига қараб пишилайди.

Тулки: Улар бегона эмак, қаршингизда турибди.

Шер: Ишонардим сизларга асло шубхам йўқ эди, шундан кетдим сафарга чунки кўнглим тўқ эди. Энди сўзлаб берингиз жанг қандайин бошланди.

Тулки: Шерсиз қолган ўрмонга, бирдан ҳужум бошланди. Айик ҳужумга ўтгач улар кўзи ёшланди.

Айик ўртага чиқиб уларни қандай ургани кўрсатиб бера бошлайди.

Айик: Бўри бўлса ўзига, қулоқ тутмай сўзига, мушт туширдим кўзига. Бўрилар қочиб қолди, мендан жазосин олди. (**тулки томоғини қиради**) Айтганча тулки ҳам, жуда яхши курашди. Бўрилар ўрта олиб уни роса ўрашди. Аммо айёр тулковой тишлаб отди бирини, шундай қилиб бўрилар қазиди ўз гўрини.

Шер: Сизлар қилган жасорат, арзийди дам олишга. Айтингиз нима қилай кўнглингизни олишга.

Тулки: Ўрмонни аҳли чекиб ғам қилмаслик учун нидо. Керак бўлса жонни ҳам аямай қилгум фидо. Аммо биз жанг қилганда қонун оқсаб қолганда. Эчки билан бир қўчкор майсазорни қилиб хор, бутун ўрмон ризқини қилишибди қўп аброр.

Айик: Шундан бутун ўтхўрлар қилишмоқда шикоят, уларга бирор жазо қулламасгиз уят.

Шер: Ишонгайман сизларга ҳатто ўзимдан ортиқ, эчки билан қўзини қилгайман сизга тортиқ.

Тулки: Раҳмат сизга ҳукмдор, ҳимматингиз чеки йўқ. Энди қонунни бузган, қўчкор билан эчики йўқ.

Айик ва тулки бир бирларига қараб кулади. Чироқлар бирдан ўчади.

8- Сахна.

Кун. Ўрмон манзараси. Қўзичноқ отасини ахтариб юрибди.

Қўзичноқ: Отасиз менга қийин. Ҳатто татимас ўйин. Мангу музлаб қоламан. Сизсиз етим боламан. Қаердасиз э отам, сизсиз бу ҳаёт мотам.

Саҳнада укки пайдо бўлади. Қўзичноқ иккинчи планда қолади.

Укки: Ҳаёт шундай шавқатсиз, ўйлагандай бўлмайди. Ватан учун курашган, Асло сира ўлмайди.

Саҳнага эчки ва қўчкор чиқиб келади. Қўчкор қўзичноқни бошини силаб.

Қўчкор: Шу ердаман қўзичноқ. Қора кўzlари мунчоқ.

Қўзичноқ: Турсам ёнимда йўқсиз. Қўрқиб кетдимда бирдан.

Қўчкор: Сенга ўтлар тердим, ошиб яйлови қирдан.

Укки: Ёлғончи икки айёр, ишонтирганда шерни, кутилмай келган ари очиқлади бор сирни. Подшо миниб ғазабга, ташлабди кўп азобга. Айик ила тулкини, зопаркка қилмиш тортиқ, ёлғончиларга жазо, бўлмагай бундан ортиқ. Қиссадан ҳисса дўстлар,

Эски, қўчқор ва шер саҳнага чиқиб келиб ҳаммалари саҳнага чиқиб келиб биргаликда айтишади.

Бирга: Эл-юрт учун курашган номи албат қолади. Нияти ёмон бўлган жазосини олади.

ТАМОМ